2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 251 (1312), 2024 йил 11 декабрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ЖУДА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР БОР

Президент Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни Тошкент вилоятида қўшимча имкониятларни ишга солиш, иш ўрни ва инвестицияни кўпайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Тошкент вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар, туризм, умуман, барча соҳаларда жуда катта имкониятлар бор. Сўнгги етти йилда ҳудуд иқтисодиёти 1,5 баробар ўсган. Саноат корхоналари 2 баробар кўпайиб, 12 мингтага етган.

Лекин имкониятлар бундан анча кўп, улар тўла ишга солинмаяпти. Масалан, вилоятдаги жами ерларнинг бор-йўғи 25 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Ҳар гектарга тўғри келадиган даромад ҳам бошқа жойларга нисбатан кам. Бекобод ва Оҳангарон шаҳарлари, Оққўрғон, Чиноз, Пискент туманларида қайта ишлаш даражаси жуда паст. Озиқ-овқат хавфсизлиги, мева-сабзавотлар экспорти ҳам имкониятга яраша эмас.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари белгиланди. Унга кўра, ҳар бир кластер, фермер ва деҳқон хўжалиги майдонидаги экинлар, маҳсулот ҳажми, ишчилари сони, солиқ тушуми каби маълумотлар “Агроплатформа” ахборот тизимига киритилади. Келгуси йилда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 7 та туманда 52 минг гектарда 3 марта ҳосил олиш йўлга қўйилади. 5 минг гектарда саноатлашган боғ ва токзорлар ташкил қилинади.

Умуман, 22 та туман-шаҳардаги ерлар қайта ишловчи ва экспортчи корхонага боғланади. Бу орқали келаси йил 3,5 миллион тонна мева-сабзавот етиштириб, 500 миллион доллар экспорт қилиш мумкинлиги айтилди.

Тошкент вилоятининг инфратузилмаси, логистикаси тадбиркорлик учун жуда қулай. Лекин ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар умумий майдони уч йилда бор-йўғи 1,6 миллион квадрат метрга ошган, бу пойтахтдан 3,5 баробар кам. Инвестициявий лойиҳалар учун тоифаси ўзгартирилган 9 минг гектар ернинг 2 минг гектаридан фойдаланилмаяпти. Бўш турган давлат иншоотлари ҳам бор.

Ҳолбуки, инвесторлар бу ҳудудда “ақлли шаҳар”, тиббиёт кластери, яшил энергетика станцияси қуриш ташаббусини билдирган. Водийлик ва пойтахтлик минглаб тадбиркорлар ҳам бизнесини кенгайтириш, янги корхона, меҳмонхона, савдо ва туризм мажмуалари қуриш учун жой излаб юрибди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва вилоят мутасаддиларига бу борадаги сусткашликлар кўрсатиб ўтилди. Бино ва ерларни тадбиркорларга қулай шартда аукционга чиқариш, уларнинг негизида инвестиция, иш ўрни ва экспортни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Тошкент вилояти ҳокими келгуси йил 5 миллиард доллар инвестиция жалб этиш ҳамда экспортни 2 миллиард долларга етказиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Давлатимиз раҳбари унинг таркибига эътибор қаратиб, кутилаётган инвестициянинг ярми шундоғам ривожланган Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Зангиота ва Қибрай туманларига тўғри келишини қайд этди. Шу боис, саноат ва хизматлар нисбатан орқада бўлган Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Паркент, Пискент, Қуйи Чирчиқ ва Чинозда қўшимча лойиҳалар қилиб, иш ўринлари очиш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент вилоятидаги имкониятлар ҳисобига барча аҳолини даромадли қилиш мумкинлиги айтилди. Келгуси йилда вилоятда 700 минг одамнинг бандлигини таъминлаб, ишсизликни табиий даражасигача тушириш, 22 минг оилани даромадли қилиб, камбағалликни ҳозирги 7,2 фоиздан 4 фоизга камайтириш, меҳнат мигрантларини юртимизга қайтариб, ишга жойлаштириш вазифа қилиб олинди.

Президентимиз йиғилишда қатнашган вилоят тадбиркорлари билан ҳам мулоқот қилди. Уларнинг таклиф ва ташаббусларига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

ЎзА

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ: МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Давлатимиз раҳбарига озиқ-овқат саноатида амалга оширилаётган ишлар ҳамда 2025 йилги режалар бўйича ахборот берилди.

Аҳоли сони изчил ўсаётган бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб бўлиб бормоқда. Бунинг устига, глобал иқлим ўзгаришлари, ер ва сув тақчиллиги қишлоқ хўжалигида қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шундай шароитга қарамасдан, бу йил юртимизда 9 миллион тонна дон, 3 миллион тоннадан ортиқ пахта, 16 миллион тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 15 миллион тоннадан кўп гўшт ва сут етиштирилди. Озиқ-овқат саноати бўйича 343 та лойиҳа ишга туширилди.

Шу билан бирга, маҳаллийлаштириш бўйича ҳали имкониятлар кўп. Айниқса, нон, сут, гўшт, ўсимлик ёғи, қандолат ва салқин ичимликлар ишлаб чиқаришни ошириш керак.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда қандолат маҳсулотлари экспорти 4 карра ошиб, 13 миллион долларга етган. Хомашё, қадоқлаш ва этикеткалаш маҳсулотлари тўғридан-тўғри олиб келиниб, таннарх 20 фоизга камайгани туфайли рақобатдошлик анча ошган. Бу имтиёзлар муддати 2025 йил 1 январда тугайди. Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур муддатни яна 2 йилга узайтириш таклифи кўриб чиқилмоқда.

Ёғ-мой саноатида 408 та корхона очилган. Лекин юртимизда хомашё камлиги учун улар ҳар доим ҳам тўла қувватда ишламаяпти. Ёғ-мой экспортига рухсат берилса, ишлаб чиқариш 120 минг тоннага ошиб, 240 минг тонна озуқа ем тайёрланиши ҳисоб-китоб қилинган.

Бош вазир ўринбосарига бозор талабларидан келиб чиқиб, бу борада таклиф киритиш топширилди.

Мамлакатимизда “ҳалол” сертификатига эга миллий бренд корхоналари кўпайиб, минтақа ва араб давлатларига гўшт маҳсулотлари экспорт қиляпти. Лекин бизда колбаса маҳсулотларини сақлашнинг стандарт муддати 3 ой этиб белгиланган. Хориждаги истеъмолчига етиб боргунча 2 ой кетяпти. Гўшт маҳсулотини сақлаш муддати Европа стандарти каби 4-12 ойга оширилса, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини 2 карра кўпайтириш имконияти очилади. Шунинг учун бу борадаги стандартларни халқаро стандартларга мослаштириш вазифаси қўйилди.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида уларни таҳлил қиладиган лабораториялар ташкил этиш зарурлиги айтилди. Шундан келиб чиқиб, ушбу маҳсулотларнинг табиий ёки қуруқ сутдан тайёрлангани тўғрисида белги қўйилади.

Юртимизда салқин ва алкоголсиз ичимликлар, мева-сабзавотдан табиий шарбат ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган. Сўнгги 5 йилда уларнинг экспорти 9 баробар ошиб, 35 миллион долларга етди. Лекин ўзимизда йўқ тропик мевалар концентратига бож қўйилгани учун бошқа давлатлар маҳсулотлари билан рақобатда ютқазяпти. Шу боис, тропик мевалар концентратларини божхона божидан озод қилиш таклифи билдирилди.

Йиғилишда мутасаддилар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида соҳадаги тадбиркорлар билан олиб борилаётган ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳақида ахборот берди. Президентимиз келгуси йилда бу ишларнинг сифатини янада ошириш ва кўламини кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

ЎзА

Янги Ўзбекистон руҳи

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотларда инсон қадрини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда. “Инсон — жамият — давлат” парадигмаси асосида давлат халқнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаши ва ҳеч кимни муаммоси билан ёлғиз қолдирмаслиги таъминланмоқда. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз — кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам — кечаги Ўзбекистон эмас”, деб ислоҳотлар ортга қайтмас тус олганини таъкидлаганди.

Дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жаҳон ҳамжамияти эътибори марказида бўлмоқда.

Халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бахт

Бу йилги парламент сайлови янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ ўтказилган илк сайлов сифатида тарихга кирди. Давлатимиз раҳбари сайловлар натижаси бўйича шаклланган янги парламентда нутқ сўзлади. Келгуси 5 йилда халқ вакиллигининг олий органларида амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар, қолаверса, барча бўғинлардаги ижро органлари, аввало, ҳукумат олдидаги энг муҳим йўналишларни белгилаб берди. Бу маъруза мазмуни моҳияти ва долзарблигига кўра Олий Мажлис ва халқимизга навбатдаги Мурожаатнома бўлди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилишни таклиф этди.

Давоми 3-бетда

Нуқтаи назар



ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САОДАТИ

ЁХУД ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУНЛАРИ

Инсоният тараққиётининг умумий кўламида ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ва сиёсий жараёнлар, техник ва технологик янгиланишлар мисли кўрилмаган юқори суръат билан давом этар экан, бугун ёшларимиз онгу тафаккурида миллий ғурур билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш зарурати мавжуд.
Доим фахр ва ифтихор билан эътироф этамиз: янги Ўзбекистонда ўтган қисқа муддатда энг улуғ, энг азиз маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, урф-одатларимиз, отамерос анъаналаримиз янада бойитилди, сайқал топди.

Аслида, маънавий-ахлоқий тарбия маҳсули бўлган комил инсонни тарбиялашдек улуғ мақсад қатъий ва дадил қадамлар билан бошланади. Бунда устувор вазифаларни аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Айнан шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари жорий йил 20 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги нутқида **“Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади”** деди. Бу фикр олдимизга қўйилган улуғ мақсадни амалга ошириш ҳамда энг муҳим ва устувор йўналишларни аниқ белгилаб олиш нуқтаи назаридан ғоят қимматлидир.

Давоми 5-бетда

Таҳлил ва таққос

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ГАРОВИДИР

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бўйича катта имкониятга эга. Мазкур соҳа экспорт ҳажмини ошириш, иш ўринлари ва аҳоли даромадини кўпайтиришда катта манбалардан биридир. Шу маънода, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш ва экинлардан олинадиган даромадни кескин кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида таъкидланганидек, тармоқда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш муносабатлари замон талаблари асосида йўлга қўйилаётгани эришилаётган муваффақиятларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Айниқса, соҳага илғор агротехнологиялар, илм-фан ва инновация ютуқлари кенг жорий этилаётгани ижобий натижа бермоқда. Деҳқон ва фермерларнинг оғири енгил бўлиб, янги иш ўринлари очилмоқда. Буни 200 минг гектар пахта ва ғалла майдони қисқартирилиб, юртдошларимизга танлов асосида берилгани ҳисобига 2 миллиондан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўрни ташкил этилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Давоми 4-бетда



ШАРАФЛИ КАСБНИНГ УЛУҒ НЕЪМАТИ

4

Фармон асосида афв этилганларнинг 25 нафарини чет эл фуқаролари, 32 нафарини аёл, 5 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 274 нафарини ёшлар, 104 нафарини вояга етмаганлар ҳамда 6 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 11 декабрь, 251-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Бугуннинг гапи

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

ҲАР БИРИМИЗДАН БУ ИЛЛАТГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗ БЎЛИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенатининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси



Бугун коррупция муаммосига деярли ҳар бир мамлакатда дуч келиш мумкин. Шу боис, у кейинги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан бирига айланди. Коррупция келтирадиган зарар барча давлат учун тенг. Мазкур иллат жамиятнинг маънавий устунлари ҳамда демократияни емириб, давлатнинг турли соҳалари, хусусан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларидаги ислоҳотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги имижи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис, унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган.

Ҳозир коррупцияга қарши кураш юртимизда ҳам долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон глобал коррупцияга қарши кураш жараёнининг фаол иштирокчисига айланди. Буни кейинги йилларда соҳага оид қабул қилинган, концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари, коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича барча давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакат миқёсида амалга ошириладиган чора-тадбирларни қамраб олувчи давлат дастурлари қабул қилинди.

Уларга асосан давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашишнинг замонавий механизмлари кенг жорий этилди. Очиқликни таъминлаш, жамоатчилик олдида ҳисобдорликни ошириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Давлат хизматлари кўрсатишни рақамлаштириш орқали инсон омили аралашуви минимал даражада камайтирилди.

Қонунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Улар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаб, чек қўйиш, унга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлашдан иборат.

Хўш, ушбу йўналишлар коррупциянинг олдини олишда қай даражада самара бериши мумкин? Масалан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришни оладиган бўлсак, ҳуқуқий онги ва маданияти юксак инсонлар коррупцияга йўл қўймаслиги тажрибадан маълум.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланган. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши назарда тутилган.

Қонунда белгиланган ушбу талаблардан кўриниб турибдики, коррупцияга қарши курашиш нафақат бирор орган, ташкилот ёки тузилманинг, балки бутун жамиятнинг бу масалада муросасиз бўлишини, унга қарши курашувини талаб этади.

Белгиланган чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан махсус давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиб, бу борадаги давлат сиёсатининг институционал асослари такомиллаштирилди. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилди.



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар белгиланди. Соҳада давлат сиёсати изчиллигини таъминлаш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди.

Юртимизда коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида давлат ва хўжалик бошқарувининг барча органларида коррупцияга қарши ички назорат тизимларини босқичма-босқич ташкил этиш чоралари кўрилди. Коррупция хавфини ўз вақтида аниқлаш, уларга олиб борадиган оқибат, сабаб ва шароитларни бартараф этиш, коррупция хавфи юзага келиши мумкин бўлган жойлар аниқланмоқда.

Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Президентимизнинг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига кўра, барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан очиқ, эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхати тасдиқланди. Бугун бундай маълумотлар 35 тадан 40 тагача кенгайтирилди.

Давлат органларини оптималлаштириш коррупцияга қарши курашнинг яна бир муҳим жиҳатидир. Шундан келиб чиқиб, уларнинг ихчамлиги тизимли равишда, босқичма-босқич таъминланмоқда. Жумладан, тегишли ҳужжатларга мувофиқ, давлат органлари ходимлари сони 15 фоизгача мақбуллаштирилди.

Коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этиш учун давлат бошқаруви тизимида инсон омили аралашувини камайтириш ҳам жуда муҳим. Шу боис, давлат ва жамият бошқарувига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этиляпти. Маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, лицензиялаш ва рухсат беришга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда тезкорлигини ошириш мақсадида барча ҳудудларда давлат хизматлари маркази ташкил этилди.

Кенг жамоатчилик иштирокида коррупцияга қарши муросасиз муҳит шакллантирилмоқда. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатини кўриб чиқиш тизими тубдан такомиллаштирилиб, Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, “Ишонч телефони”, ҳар бир вазирлик ва давлат идораларининг ишонч телефонлари, виртуал қабулхоналари ташкил қилинди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида барча даражадаги давлат раҳбарларининг сайёр қабулларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Давлат органлари ва хўжалик юритиш субъектларида “комплаенс-назорат” тизими жорий этилди.

Айни йўналишдаги ишлар халқаро тажриба ва ҳуқуқнинг тегишли нормаларини мамлакат қонунчилиги ва амалиётига имплементация қилган ҳолда бажарилмоқда. Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиши ҳам БМТнинг Ўзбекистон ратификация қилган Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси тегишли моддалари, шунингдек, халқаро коррупцияга қарши кураш амалиётидаги Жакарта принципларига мисол бўла олади.

> **Жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши коррупциявий омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизмларини белгилаб берди. Мазкур қонуннинг амалиётга жорий этилиши ва ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан давлат органлари ва ташкилотларига бир қатор вазифалар белгилаб берилди.**

Шу билан бирга, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар белгиланди. Соҳада давлат сиёсати изчиллигини таъминлаш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди.

Аҳолига хизмат кўрсатишда коррупция ҳолатларининг олдини олишни таъминловчи “Onlayn mahalla”, “Aholi tomorqasi”, “Onlayn-bozor”, давлат хизматчиларини онлайн режимда ўқитишга мўлжалланган “Open Data” платформалари ишга туширилди.

Натижада “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан **2023 йил якунлари бўйича Коррупцияни қабул қилиш индексида мамлакатимиз ўрни 5 поғона, Бошқарув сифати индикатори ва Ҳукумат очиқлиги бўйича “Open Data Inventory” рейтингида 15 поғона кўтарилган.** Бу юртимизда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ислоҳотлар самарали натижа бераётганидан далолат.

Табиийки, мамлакатда ҳар бир ислоҳот, ўзгаришлар танлов асосида жамият учун фойда призмаси орқали амалга оширилади. Бу коррупцияга қарши кураш жараёнида ҳам ўз аксини топган. Коррупцияга қарши кураш ва уни бартараф қилиш Ўзбекистон халқи ва давлат тузилмаларининг умумий мақсадига айланди.

Албатта, бу масалада салмоқли ишлар бажарилмоқда, бироқ коррупцияга қарши кураш мунтазам ўзгариш ва янгиланишларни талаб қилади. Шу боис, коррупцияга қарши курашиш ҳар биримиздан бефарқ бўлмасликни, бу иллатга қарши муросасиз муносабатда бўлишни, бунинг учун эса ҳуқуқий онг ва тафаккуримизни мунтазам ошириб боришни тақозо этади.

> **“Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2023 йил якунлари бўйича Коррупцияни қабул қилиш индексида мамлакатимиз ўрни 5 поғона, Бошқарув сифати индикатори ва Ҳукумат очиқлиги бўйича “Open Data Inventory” рейтингида 15 поғона кўтарилган. Бу юртимизда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ислоҳотлар самарали натижа бераётганидан далолат.**

Бағрикенглик

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ФУРСАТИ

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ БИЛАН 483 НАФАР ШАХС АФВ ЭТИЛДИ

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда кечаётган барча ислоҳотлар асоси, Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган инсонпарварлик тамойили инсон ҳаёти ва эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати каби умумбашарий принципларни таъминлашга қаратилган.

Конституция байрами ҳам борган сари халқимизнинг севимли айёмларидан бирига айланиб бормоқда. Айниқса, Бош қонунимиз халқимиз хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб янгиланган, қадриятларга йўғрилган янги норма ва қоидалар билан тўлдирилгани бу байрамнинг моҳияти ва аҳамиятини янада оширмоқда. Шу боис, Конституция байрами ўзгача руҳ ва шукуҳ билан нишонланмоқда.

Бу байрамни биздан ўзгачароқ, интиқроқ кутадиганлар ҳам йўқ эмас. Улар билиб-билмай жиноят содир этган, жазо ўтаётган инсонлар ва уларнинг оила аъзолари. Бу байрам боис, эълон қилинадиган ҳужжатдан уларнинг умиду илинжлари катта.

Мана, улар кутган ҳужжат эълон қилинди. Ўзбекистон Президенти “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Қилмишининг қонунга хилофлигини англаб етган шахсларга ўз оиласи ва жамиятга қайтиши, ижтимоий мослашиш имконияти берилиши халқимизнинг кечиримлилик, раҳмдиллик ва бағрикенглик каби азалий қадриятларининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Фармонга мувофиқ, билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 483 нафар шахс афв этилди.

Озодликнинг бир они ҳам лазиз. Бугун халқимизнинг бағрикенглиги ифодаси бўлган ушбу ҳужжат сабаб озодликка чиқарилаётган инсонлар бу сўзларнинг қадр-қимматини чуқурроқ англаб етади. Улар учун эркин нафас олиш, оиласи ва яқинлари бағрида бўлишдан ортиқ бахт йўқ.

Афв этилган шахсларнинг 107 нафари жазодан тўлиқ, 275 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 7 нафарига тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилади. Шунингдек, 94 шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатлари қисқартирилади.

— Афв этиш Президентнинг Конституцияда белгиланган ваколатлари доирасига кирувчи юридик шаклдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Олий суди судьяси Турғунали Мирзаев. — У Президент томонидан якка тартибда қабул қилинади. Афв этишдан кўзланган асосий мақсад давлатнинг жиноят содир этган шахсларга нисбатан ғамхўрлик ва инсонпарварлик тамойиллари нуқтаи назаридан, айнан шу жиноят содир этган шахсларнинг манфаати эмас, балки уларнинг оила аъзолари, яқинлари ва вояга етмаган фарзандларини ота-онаси меҳридан баҳраманд бўлиши, уларнинг оилада тутган ўрнини доимий равишда таъминлаш мақсадида қабул қилинади.

Афв жазо ўтаётган маҳкумларнинг шахси, хулқ-атвори, улар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, оқибати ва жиноят содир этгандан сўнг қилмишидан пушаймон бўлиб тузалиш йўлига ўтгани, шу билан бирга, жазони ўташ давомида тарбиявий нуқтаи назардан ижобий баҳоланган ва бошқа қатор жиҳатлар ўрганилиб, афв комиссияси томонидан хулоса қилинади.

Жазони ижро этиш муассасаси. Баланд ва оғир дарвоза очилди. Афв этилганлар бирин-кетин ташқарига чиқмоқда. Улар учун бугунги кун — янги ҳаёт, янги имконият.

Бу манзарани кузата туриб, ҳар қандай инсоннинг эти жунжикиши, кўзида ёш қалқиши, беихтиёр улар қувончига чин дилдан шерик бўлиши аниқ.

— Исмимни ўқиган пайтда қайтадан дунёга келгандай бўлдим, — дейди Г.Халилова. — Озод бўлишимни эшитиб, қанчалик қувонганимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Президентимизнинг афв тўғрисидаги фармони билан озодликка чиқяпмиз. Бизга яна бир имкон, ишонч билдирилди. Мен англаб етдимки, озодлик қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Тўрт фарзандим бор. Уйимда аёл киши йўқ. Болаларим парвариши билан фақат ўзим шуғулланар эдим. Бу ерда ўтган давр мобайнида озодликда қанчадан қанча ютуқларга эришган бўлардим. Афсуски, кўп яхши кунларимни панжара ортида ўтказишга тўғри келди. Фарзандларим тарбиясига ҳам эътибор беролмадим. Энди бу имкониятдан фойдаланиб, уларни эл-юртга фойдаси тегадиган муносиб ўғил-қизлар этиб тарбия қиламан.

Ҳеч ким яқинларини ўзидан йироқда, тутқунликда кўришни истамайди. Оила, қадрдонлар даврасида ўтган ҳар бир кун, ҳар лаҳза байрам. Шу боис, ота-онаси ва фарзандлари бағрига қайтаётганларнинг ҳаяжонини тушуниш мумкин. Улар бу ердан озодлик, эркинликнинг қадрини юз карра англаб чиқяпти.

Афв этилганлар бундан кейин нафақат оила аъзолари, балки маҳалладошлар, умуман, кенг жамоатчилик эътиборида бўлади. Фармонда афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун уларга кўмак бериш мақсадида масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Фармон асосида афв этилганларнинг 25 нафарини чет эл фуқаролари, 32 нафарини аёл, 5 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 274 нафарини ёшлар, 104 нафарини вояга етмаганлар ҳамда 6 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

> **Афв этилган шахсларнинг 107 нафари жазодан тўлиқ, 275 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 7 нафарига тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилади. Шунингдек, 94 шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатлари қисқартирилади.**

Отасига талпинган, бошида бир оз бегонасираб, сўнгра уни маҳкам қучоқлаб олган болакайлар, фарзандларининг юз-кўзидан ўпиб, уни қайта-қайта бағрига босаётган оналар, суюкли ёрини ўз уйида кўриб турганига ишонолмай, унга назар солаётган аёллар... Улар ҳис этган нарсани тўлиқ тушунишимиз, англашимиз даргумон. Бироқ биламизки, шукроналик, миннатдорлик, мамнунлик уларнинг юзларида балқиб турибди.

Бу воқеа юртимиздаги инсонпарварлик сиёсати, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг амалий ифодасидир.

Бир эзгулик ва яхшилик кейингиларини ҳам бошлаб келади. Кўплаб хайрли амалларга йўл очади. Оиласи бағрига қайтган, қилмишидан хулоса чиқарган, бугун сизу биз каби эркин бу инсонлар энди ҳам давлат ва жамият меҳр-эътиборини ҳис этади.

Байрамларда катта-кичик совғалар улашиш удуми бор. Лекин инсон қанчалик хоҳласа-да, қонуний жазо ўтаётган инсонга бир лаҳзалик бўлсин эркинлик тортиқ эта олмайди. Бугун бундай инсонлар халқнинг бағрикенглигини, сахийлигини, меҳрини ҳис этди.

Ўйлаймизки, кечирилган ҳар бир шахс ўзига билдирилган ишончни оқлаб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшади. Жамиятда ўз ўрнини топади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз фармони билан афв этилган юртдошларимизга яна бир имкон, ишонч берилди. Олдинда эса ана шу ишончни оқлаш, юртга муносиб фарзанд бўлиш вазифаси турибди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид нормалар сони 3,5 баробар оширилди ҳамда бу нормалар Бош қонунимизнинг қарийб 50 фоиздан ортиғини ташкил қилди.

НИГОҲ | 3

uzneu | vuz_official | yuz.uz_news | yuz

Янги Ўзбекистон руҳи 2024 йил 11 декабрь, 251-сон

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Айни пайтда бутун дунёдаги таҳликали даврда “Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият” принципини сўзсиз таъминлаш ҳар бир давлатнинг асосий мақсадидир.

Бекзод НАРИМОНОВ,
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари, юридик фанлар доктори











Бош қонунимизнинг 98-моддасига асосан, сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаро Олий Мажлис Сенати, Марказий сайлов комиссияси билан бир қаторда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳам қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли экани мустаҳкамланди. Бу Омбудсман институтига нафақат муҳим конституциявий ваколат, балки улкан масъулият ва жавобгарлик ҳам юклайди.

Бошланиши 1-бетда

“Бугун халқимиз билан юртимиз тараққиётидаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқдамиз. Ишончим комил, бу — янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр бўлади. Бу давр парламент ва ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли анъаналар шаклланадиган ва тарихга муҳрланадиган давр бўлади”, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбарининг “Табиатни асраш — инсонни асраш” деган фикрида чуқур маъно мужассам. Боиси, табиат ва инсонни бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун она табиатни асрамай туриб, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини, жумладан, шахсини эркин камол топтириш, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мушкул.

Мурожаатномада парламент назорати, авало, халқ назорати, халқ сўрови экани таъкидлангани ҳам бежиз эмас. Ушбу механизм фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим усулларидан. Парламент назорати демократик давлатда долзарб аҳамиятга эга. Бу нафақат мансабдорлар масъулияти ва жавобгарлигини кучайтирадиган, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, балки жамиятнинг давлат институтларига ишончини оширадиган механизмдир. Ушбу назорат самарали ва мустақил бўлиши, шунингдек, жамоатчилик талаблари ва муаммолари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиши муҳим.

Инсон — ҳаёт гултожи

Инсон ҳуқуқлари ҳақиқатан инсониятнинг энг муҳим ва қимматли ютуқларидир. Зотан шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар ҳар доим мураккаб бўлган. Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Жон Локк, Монтескье ва бошқа кўплаб мутафаккирлар инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид турли ёндашувларни таклиф қилган.

Олимлар инсон ҳуқуқларининг моҳиятини, биринчидан, инсон қадри, иккинчидан, тенглик ташкил этади, дея таъкидлайди. Хусусан, Алишер Навоий беш аср аввал инсон қадр-қиммати ҳақида дунёнинг бино бўлмоғидан асл муддао инсон экани ҳақида қуйидагича ёзади:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин гараз инсон эди.

Давлатчилик марказида инсон ва унинг манфаатлари туради. Асосий қонун инсон омилидан куч олади ва тирик организм каби халқ ҳаётининг ажралмас бўлагига айланади.

Башариятнинг буюк адибларидан бири Уильям Шекспир “Қонунлар мазмуни инсонни қадрлашдир”, дея инсон ҳуқуқларининг аҳамиятини кўрсатиб беради. Дарҳақиқат, 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши муҳим тарихий воқеага айланди. Чунки бу ҳодиса инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормалар ва стандартларнинг шаклланишига пойдевор бўлди.

Мутафаккирлар инсониятнинг узоқ тарихи давомида одамларга ўз фикрларини эркин билдириш, муҳим қарор қабул қилишда иштирок этиш ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беришга қаратилган демократик институтлар ҳақида долзарб ғояларни илгари сурди. Аммо демократиянинг ўзи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатламайди — уларни ҳимоя қилиш ва таъминлашга қодир кучли институтлар ва механизмлар мавжуд бўлиши керак. Ана шундай демократик институтлардан бири инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсмандир.

Ушбу институт дунёда омбудсман, парламентнинг ваколатли аъзоси, фуқаролик ҳуқуқлари бўйича комиссар, халқ адвокати, фуқаролик ҳимоячиси, воситачи каби турлича номланиши мумкин, лекин унинг моҳияти ва табиати бир-бирига яқин.

Мамлакатимиздаги инсонпарвар сиёсат туфайли Омбудсман институти инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилувчи мустақил орган сифатида ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди.

Янги таҳрирдаги Конституция — инсон ҳуқуқлари бўйича янги давр ҳужжати

Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид нормалар сони 3,5 баробар оширилди ҳамда бу нормалар Бош қонунимизнинг қарийб 50 фоиздан ортиғини ташкил қилди. Жумладан, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмлари, хусусан, қонунлардаги ноаниқликларнинг инсон фойдасига ҳал бўлиши, “сукут сақлаш” ҳуқуқининг биринчи маротаба белгиланиши, адвокатлар мақоми терговчи ва прокурор мақомига тенглаштирилиши каби янги конституциявий қоидалар белгиланди. Мазкур ўзгаришлар эса, ўз навбатида, давлатнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигини ва бу борадаги мажбуриятларини намоён этади.

Шунингдек, Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланиши, инсон ва давлат органлари ўртасидаги юзага келадиган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги каби принцип ва қоидалар инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кафолатини кучайтирди.

Бош қонунимизнинг 98-моддасига асосан, сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаро Олий Мажлис Сенати, Марказий сайлов комиссияси билан бир қаторда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳам қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли экани мустаҳкамланди. Бу Омбудсман институтига нафақат муҳим конституциявий ваколат, балки улкан масъулият ва жавобгарлик ҳам юклайди.



Омбудсман институтига берилган муҳим конституциявий кафолатлар унинг инсон ҳуқуқларига оид янги конституциявий нормаларни сўзсиз ва қатъий риоя этилишини таъминлашдаги фаоллигини ошириш ҳамда инсон ҳуқуқларига оид тизимли муаммоларни парламентда баралла айта оладиган чинакам халқ овозига айланишига хизмат қилади.

Омбудсман кафолатларини мустаҳкамлаш — халқимиз ва замон талаби

Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий кафолатларини кучайтириш, амалдаги механизмларни такомиллаштиришга қаратилган комплекс чоралар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — омбудсманга ҳам катта масъулият юкламоқда.

Омбудсман институти парламент назорати институти сифатида ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, шаффоф ва масъулиятли фаолияти орқали зарур мувозанатни таъминлаши лозим.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага оид тизимли муаммоларни аниқлаш, ҳуқуқ бузилишларининг олдини олишга доир комплекс чоралар кўриш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, соҳага оид қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш янги конституциявий ҳуқуқий ландшафтнинг муҳим таркибий қисмидир.

Шу маънода, Омбудсман институти инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро субъектлар билан мулоқоти ва ҳамкорлигини таъминловчи кўприк десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Президенти Конституциямиз қабул қилинганининг 31 йиллиги муносабати билан йўллаган байрам табригида конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга тўхталиб, жумладан, бундай деганди: **“Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганидек, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз бўлиб, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши курашиш, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифаларимиздан биридир. Ушбу йўналишда асосий эътиборимиз бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни жорий этишга, шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Болалар омбудсмани ва бошқа инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилади”.**



Бундан ташқари, парламент ва тегишли институтларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда 2021 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

2022 йил 1 январдан омбудсманнинг жойларда доимий асосда фаолият юритувчи ҳудудий 14 вакили лавозими жорий қилинди. Мазкур янгилик омбудсманнинг жойларда инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида омбудсман фаолиятини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 15 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонунни имзолади. Унга кўра, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлайди.

Кафолатлар кучайтирилмоқда

Мазкур қонунда омбудсманга ўз вазифаларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун қўшимча кафолат ҳамда ҳуқуқлар берилди. Қонунга кўра, омбудсман фуқароларнинг, мамлакат ҳудудида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, юридик шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ҳамда текширув ўтказиш ҳуқуқига эга.

Бунда омбудсман мурожаат этувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилгани тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан ёки бошқа воситалардан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қаноатланмаган бўлса, унинг шикояти бўйича охирги қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йил ичида берилган шикоятларни кўриб чиқади.

Омбудсманнинг йиллик маърузасидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг айрим йўналишлари бўйича ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Энг муҳим жиҳатлардан бири қонун билан омбудсманга қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи берилиши аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган муаммоларга тезкор жавоб қайтаришга имкон беради ҳамда адолатли ва самарали қонунлар қабул қилинишига ҳисса қўшади.

Омбудсманнинг махсус маърузаси инсоннинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш бўйича хулоса ёки таклифлардан иборат бўлади. Омбудсман инсон ҳуқуқлари бузилишига оид мурожаатларни тизимли таҳлил қилиш асносида жамиятнинг “сигнали”ни давлат раҳбари, халқ вакиллари ва ҳукуматга билдириб туради. Бу эса, ўз навбатида, оқибат билан курашиш эмас, балки инсон ҳуқуқларига оид қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тизимли чоралар кўрилишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, омбудсманнинг доимий асосда ишловчи ҳудудий вакилларининг ҳуқуқий мақоми қонунда ўз ифодасини топмоқда. Шу билан бирга, омбудсман томонидан давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонун бузилишлари бўйича уларни содир этишга имкон яратган сабаб ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари ҳудудида “Омбудсман қутиси”ни сақлашнинг ҳуқуқий механизмлари, унда эркинликдан маҳрум этилган шахслар томонидан мурожаатларни жойлаштириш тартиби, қийноқларнинг олдини олиш бўйича фаолиятга кўмаклашиш учун жамоатчилик асосида амал қиладиган жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилиши белгиланди. Бу ўз ўрнида омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олишга оид фаолияти ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди ҳамда унинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги қонун билан мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ йиғилишлари, жумладан, Олий суд пленуми мажлисларида омбудсманнинг иштирок этиш ҳуқуқи кафолатланди.

Шу билан бирга, мазкур қонунга мувофиқлаштиришни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига, хусусан, 2 та кодекс ва 5 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур қонунни тайёрлашда 30 дан ортиқ давлат, хусусан, Финляндия, Польша, Болгария, Венгрия, Сербия, Греция, Испания, Россия, Озарбайжон, Арманистон, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларнинг шу соҳадаги қонунчилиги атрофлича ўрганилди.

Инсон ҳуқуқларига оид парламент дипломатияси янада ривожланади

Мамлакатимиздаги очиқ ва прагматик ташқи сиёсат омбудсман фаолиятида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Хорижий мамлакатлар омбудсманлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш омбудсман фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир.

Хусусан, Париж тамойилларига мувофиқ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти 2020 йилда Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари глобал альянсида “Б” мақомини олган эди. Бугун “А” мақомини олиш бўйича Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

Айни пайтда бутун дунёдаги таҳликали даврда “Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият” принципини сўзсиз таъминлаш ҳар бир давлатнинг асосий мақсадидир. Шу маънода, янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институтининг мустақил миллий институт сифатидаги мақомини янада мустаҳкамлаб, Омбудсман фаолиятининг институционал асослари такомиллаштирилишига, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатлари кенгайишига ҳамда омбудсманнинг парламент назорати институти сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаоллигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

2024 йил 11 декабрь, 251-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



Таҳлил ва таққос

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ГАРОВИДИР



Актам ҲАИТОВ,
Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги йилларда соҳага доир қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунлар барқарор ривожланиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Биргина “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонун билан томорқа хўжаликларини юритишни ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди. Хусусан, мазкур ҳужжатда шахсий томорқа ер участкаларидан томорқа хўжалигини юритиш учун фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, томорқа хўжаликларини юритишни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш соҳасида ижро этувчи ҳокимият ва хўжалик бошқаруви органларининг вазифалари белгилаб қўйилди. Бугун юртимизда 590 минг гектар ерда 5,5 миллиондан ортиқ томорқа хўжалиги фаолият юритяпти. Улар етиштирган маҳсулотлар халқимиз дастурхони тўкинлигини таъминлаяпти.

“Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонун билан эса деҳқон хўжаликларига кўплаб имтиёз ва имкониятлар берилди. Бундай шароит илгари деҳқонлар, ер эгалари учун фақат орзу бўлган. Бугун улар янги Ўзбекистондаги мана шундай кўплаб имтиёзлардан унумли фойдаланиб, деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш, ҳеч кимга қарам бўлмай, эркин фаолият юритиш имкониятига эга. Айни пайтда деҳқон хўжаликлари учун ажратилган 193 минг 167 гектар ерда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилмоқда.

Мазкур қонун асосида сув таъминоти яхши бўлган, пахта ва ғалладан қисқартирилган 253 минг гектардан ортиқ ер 863 мингга яқин фуқарога деҳқон хўжалиги ташкил этиш орқали сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун 30 йилга ижарага берилди.



Пешона терини тўкиб меҳнат қилаётган, ер ва сувдан унумли фойдаланаётган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари бозорларимиз тўкинлигини таъминлаётган фидойи ватандошларимиздир. Айни кунда мамлакатимизда 3 миллион 523 минг гектардан зиёд майдонда 91 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда.

Бозорларимизга етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда нафақат деҳқон ва фермерлар, балки аҳолининг ҳам ҳиссаси ортиб бораётир. Бу борадаги шароитлар натижасида 386 минг 350 фуқаро томорқа хўжалигида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ базасига киритилди. Улар 847,7 минг гектар ерда баҳорги ва такрорий экинлар етиштиряпти. Аҳоли даромадини оширишнинг асосий манбаи бўлган ихчам иссиқхоналарни кўпайтириш орқали эса йилига 2-3 марта ҳосил олиш йўлга қўйилди.

“Томорқа хизмати” МЧЖлар фаолияти ҳам йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Ҳозир ҳудудларда 3 мингдан ортиқ “Томорқа хизмати” МЧЖ ва мингдан зиёд якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилиб, 668,2 мингдан ортиқ хонадонга хизмат кўрсатилмоқда. Аҳоли томорқаларига комплекс хизмат кўрсатиш учун “Томорқа хизмати” кўринишидаги 686 якка тартибдаги тадбиркорга 21,5 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ҳудудларда 17 та томорқа хизмати кластери фаолияти йўлга қўйилиб, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 24,7 миллиард сўм ажратиб берилди.

Аҳоли гавжум маҳаллаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун 852 та кичик ҳажмли совиткич омбор, 1013 та мини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускунаси ҳамда 625 та кўчат, уруғлик, минерал ўғит ва кимёвий воситаларни сотишга ихтисослашган ихчам дала дўкони ташкил этилди.

Экин мўл ҳосил бериши учун сув билан таъминланганлик даражаси жуда муҳим. Ана шуни ҳисобга олиб, жорий йилда сув таъминоти оғир бўлган 22 та маҳаллада катта ва кичик ҳажмдаги артезиан қудуқлари қазиш орқали аҳоли томорқаларида сув таъминотини яхшилаш чораси кўрилди. Бунинг учун 7,5 миллиард сўм субсидия ажратилади. Хусусан, Янгиобод, Зомин, Ғузор, Касби, Косон, Иштихон, Қўшработ, Пахтачи, Фурқат, Ўзбекистон туманларининг сув таъминотида муаммо мавжуд айрим маҳаллаларига алоҳида эътибор қаратилади. Сув таъминотини яхшилаш ва исрофгарликнинг олдини олишда фермерлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, фермер хўжаликлари ҳисобидаги 17 минг километр ички суғориш тармоғи бетонлаштирилди.

Аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб берилган ерда Сайхунобод тажрибаси асосида маҳсулот етиштириш ишлари жадал бажарилмоқда. Жумладан, ажратилган ер ва томорқалардан унумли фойдаланишда аҳолига илмий-амалий жиҳатдан кўмаклашиляпти. Хорижий тажрибани ўрганиб, картошкачилик тизимини такомиллаштириш ва ҳосилдорлигини ошириш устида мутасадди идоралар билан биргаликда ишланяпти.

Шунингдек, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳаллаларни ихтисослаштириш, 152 минг юртдошимиз томорқасидаги ихчам иссиқхоналарда ва плёнка остида маҳсулотлар етиштириш орқали Сурхондарё тажрибасини барча ҳудудларга кенг жорий қилиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган. Қолаверса, 54 та туманда экспортбоп ва сердаромад экинлар экиш учун намунавий ўқув-тажриба майдони ташкил этиб, томорқа ер эгаларининг билим ва кўникмаларини ошириш учун жамғарма маблағи ҳисобидан томорқа хизмати корхоналари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 120 миллиард сўм кредит ажратилади.

> **“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам муҳим вазифалар белгилаб қўйилган. Жумладан, бир гектардан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга, қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт қийматини йилига 10 миллиард долларга етказиш, аграр соҳага жами 15 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш, ҳосилдорлик кўрсаткичини пахта бўйича ўртача 45-50 центнерга, ғалла бўйича 80-85 центнерга етказиш мақсад қилинган.**

2025 йилда эса мамлакатимиз 1 миллион кишини камбағалликдан чиқариш бўйича катта марра олган. Бу мақсадларга 46,5 триллион сўм йўналтирилиб, 100 минг гектар ер деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил этиш учун 200 минг камбағал оилага ижарага берилади. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ва янги иш ўринларини очиш, камбағалликни камайтиришга хизмат қилади.

Орамиздаги одамлар

НАРИГИ ҚИРҒОҚДАГИ АЁЛ

шоличиликдан ҳар йили 1 миллиард фойда топяпти

Музработ тумани Сурхондарё вилоятининг қўшни Афғонистон ва Туркманистон билан чегарадош ҳудудида жойлашган. Бу давлатлар билан ўртада Амударё солланиб оқади. Туман аҳли азалдан деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, шоличилик билан шуғулланиб келган. Гарчи ҳудуд йирик дарёга ёндош бўлса-да, қирғоқнинг анча пастлаб кетиши оқибатида туманнинг катта қисмига кўҳна Жайҳун сувини чиқариш имкони мавжуд эмас.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Азалдан халқ орасида уддабурон, ишбилармон одамларга “Қайиқ дарёга тушишни истамаса, дарёни қайиққа томон йўл очиб келтирадиганлардан”, дея нисбат берилади.

Туманнинг Фидокор маҳалласилик Ойбаҳор Жабборова ана шундай тадбиркорлардан. Онахоннинг ёши 70 довондан ўтган бўлса-да, тўрт фаслда ҳам даладан бери келмайди. Уни доимо кенг ва шовиллаган шолизордан топасиз. Ойбаҳор опа қарийб ярим асрдан буён шоличилик билан шуғулланади ва бугунга қадар меҳнати ортидан эътироф қозонганлардан.

— Ҳозир шолизор бўлган кенг майдонлар ўрнида бир замонлар ўнлаб каттакичик кўллар бўларди. Тўқайзор ва ботқоқликда яшовчи бор ҳашарот қишлоқ ораларди. Шу томонлардаги аҳолининг юраги безилларди, аммо ечими ҳақида ҳеч ким ўйламасди. Сўнг ботқоқликлараро майдонлар очдик. Аввалари қийин кечди, кейин ўрганиб кетдик. Ҳозир бошқа жойларда гектаридан 15 центнер ҳосил олинган бир пайтда биз 45-50 центнергача ҳосил кўтаряпмиз, — дейди Ойбаҳор Жабборова. — Шоли биз учун иккинчи экин. Дастлаб 200 гектар ерга ғалла экамиз. Унинг фойдаси 300-400 миллион сўмни ташкил этади. Изидан шоли экамиз. Ундан оладиган даромад эса анчагина яхши. Йилига 1 миллиард сўмга яқин фойда оламиз. Яхши даромад олиш учун ердан меҳрни аямаслик керак. Унинг озуқасини узмаслик ва қиймаслик лозим.

Мамлакатимизда шоли аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан. Оқсил ва витаминларга бой гуруч одамлар севиб истеъмол қиладиган, байрам ва тўйларда дастурхонимиз кўрки — паловхонтўранинг асосий масаллиғидир.

— Етиштирган ҳосилимиз анча харидоргир. Муҳими, бозор қидирмайсиз. Даланинг, омборнинг ўзидан юкланади, — дейди онахон. — Ўзбек халқининг тўю томошаси, тадбиру маъракаси кўп. Жойларга борганда “Зўр ош бўлибди. Ойбаҳор момонинг гуручидан ош дамлашибди-да”, дейишса, кўнглим тоғдек кўтарилади. Йил бўйи далада юргандаги чарчоғим чиқиб кетади.

Президентимизнинг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Ойбаҳор Жабборова сингари тадбиркор ва миришкорлар — дастурхон тўкинлигини таъминлашга интилганлар учун янада кенг йўл очгани билан муҳим бўлди.

Қарорда шоли майдонларининг камида 20 фоизида шолини кўчатлаб экиш, 50 фоизида лазер ёрдамида ер текислаш тизимини жорий этиш кабилар кўзда тутилган. Бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида жорий йил 15 августда Президентимизнинг “Шоли етиштирувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди. Энди 2024 йил 1 сентябрдан фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга шоли етиштириш ва харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун белгиланган шартларда имтиёзли кредитлар ажратилади. 2025-2026 йилларда шоли экиш учун харид қилинган ва ишлаб чиқарилганига бир йилдан ошмаган янги уруғ сеялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналари қийматининг 20 фоизи давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш орқали қоплаб берилади. Ҳар бир соҳа ва тармоқ, йўналишлар кесимида қўллаб-қувватлов билан боғлиқ қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар музработлик етмиш ёшли миришкорни ҳам хурсанд қилгани бор гап.

Бугунги кунда тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ортиши сувталаб экинларни етиштиришда тежамкор технологияларни кенг қўллаш заруратини юзага келтиради. Нафақат шоличиликда, балки пахтачилик, ғаллачилик йўналишларида ҳам тумандаги илғор фермерлардан бири бўлган онахон иш фаолиятида бунга алоҳида эътибор қаратади.

Каттагина хонадоннинг пиру бадавлат кайвони онахони бугун ҳам сира тинмайди.

— Дон, айниқса, шоли қадимдан халқ учун ризқ-рўз, тўкин-сочинлик рамзи. У чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби соҳаларнинг ҳам асосий озуқаси, — дейди Ойбаҳор Жабборова. — Шу сабаб шоли етиштираман деган одам бир вақтнинг ўзида шоличилик ортидан чорвачиликдан ҳам, бошқа йўналишлардан ҳам яхшигина даромад олиши мумкин.

Кўҳна Аму ёқасида шолизор кезиб юрган бу онахонни кўрганлар, таниганлар “Ош бўлсин доим шу момога!” дейишади. Онахоннинг эса уларга жавоби бу бўлади: “Еганинг ош бўлсин, бошинг тик ва тош бўлсин!”.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ғаллачилик



ШАРАФЛИ КАСБНИНГ УЛУҒ НЕЪМАТИ

Болалигимиздан нонни эъзозлаш, покиза жойда сақлаш, исроф қилмаслик, тоза қўл билан ушатиш, истеъмол қилишга даъват этиб келинган. Яқинларимизни йўқлаш учун ҳам иккита нон кўтариб борамиз. Бу эҳтиёждан эмас, балки уларга ҳурмат, иззат белгиси сифатида қаралади. Қадри баланд қадриятларимиз кундан кунга тараққий этиб, ривожланяпти. Айниқса, дон мустақиллигига эришиш, эҳтиёжимиз учун керакли ғаллани ўз кучимиз, имкониятимиз асосида етиштириш борасидаги ислоҳотлар хирмонларимизни донга, дастурхонимизни нонга тўлдирди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар натижасида сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни фаол жорий этиш, хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш орқали деҳқон ва фермерлар оғирини енгил қилиш, манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериб келиняпти. Бу Президентимизнинг биз, қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида ҳам алоҳида таъкидланди.

Риштон туманида сўнгги тўрт йилда ғалла етиштириш ҳажми қарийб эллик фоиз ошди. Бундан тўрт-беш йил аввал туманда кўпи билан 30 минг тонна дон етиштирилган бўлса, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 70 минг тоннадан ошди. Гектарлар ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 80 центнерга етди.

Ғаллачиликда кластер тизими йўлга қўйилгани ютуқлар омили бўлмоқда. Энди иш ҳақи, минерал ўғит, ёнилғи етказиб бериш, сувдан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ иш кўлами кенгайди. Кам харажат қилиб, кўп ва сифатли ҳосил олиш анъанаси қулоч ёйди. Янгиланган шароит ва имкониятлар фермер хўжаликларининг ишга муносабатини ўзгартирди, манфаатдорлигини оширди. Нафақат хомашё, балки тайёр ва ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами кенгайди.

“Бирлашган” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Туркия технологияси асосида йиллик қуввати 22 минг тонна бўлган донни қайта ишлаш корхонаси фаолиятини йўлга қўйдик. Туманимизда бундай корхона йўқ эди. Етиштирилган маҳсулотлар Бағдод туманидаги турдош корхоналарга олиб борилган. Бу ортиқча вақт, оворагарчилик, харажат келиб чиқишига сабаб бўлган, пировардида маҳсулот таннархига таъсир қилган. Янги корхона соҳадаги ортиқча сарф-харажат, борди-келди билан боғлиқ ҳолатларга барҳам берди. Тайёр маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўкон, янги йўл ва йўлаклар қурдик, 20 дан ортиқ иш ўрни очилди.

Жорий мавсумда 137 та фермер хўжалиги билан тузилган шартнома асосида 3700 гектар ерда ғалла етиштирилди. Сув етиб бориши қийин бўлган 700 гектардан ортиқ майдонда ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий этилди. Бу агротехник тадбирлар сув, минерал ўғит, техника хизмати билан боғлиқ сарф-харажатни 45-50 фоизгача тежади, ҳосилдорлик салмоғини оширди.

Бундан ташқари, дон ва дуккакли экинларни саралаш ҳамда қадоқлаш тармоғи ишга туширилди. Истиқболли режалар дастурига кўра, чорвачилик ва сутни қайта ишлаш йўналишида янги инвестицияларни ўзлаштириш борасида ишлаяпмиз. Бу хомашёдан тортиб, маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараённи қамраб олади ҳамда қўшимча қиймат ва ўттиздан ортиқ янги иш ўрни очиш имконини беради.

Исомиддин ЎРИНБОЕВ,
“Қаҳрамон” ғаллачилик кластер хўжалиги раҳбари
Фарғона вилояти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Демак, бу борада маънавий хавф-хатарлар кўлами, миқёси ва манбаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя ва жаҳолатга қарши маърифат билан” курашиш энг тўғри ва самарали йўл бўлиб қолаверади.

КЎЗГУ 5

2024 йил 11 декабрь, 251-сон

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САОДАТИ

ЁХУД ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУНЛАРИ



Сарвархон БУЗРУККХОНОВ,
олий таълим, фан ва инновациялар вазири ўринбосари

“Буюк шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд бобомиз айтганларидек, қадимги аждодлар битта тўфон кўрган бўлса, бугун биз мингта тўфон кўрмоқдамиз. Чиндан ҳам, биз дуч келаётган глобал муаммоларнинг ҳар бири битта тўфон эмасми?”.

Демак, шундай мураккаб геосиёсий жараёнларда миллат ва давлатни таназзулдан, беқарорликдан асраб қолувчи умумбашарий қадриятлар, энг улуғ инсоний фазилатлар мажмуи бўлган маънавиятни асл ҳолича англаш, мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб етиш теран тафаккурни, кенг дунёқарашни, зарур билим ва салоҳиятни талаб қилади.

Ўз навбатида, ана шу теран тафаккур, зарур билим ва салоҳият бугун, аввало, зиёлилар қатламида, олий таълим тизимида шаклланиши, сўнг талаба ёшларимизнинг онгу шуурига сингдирилиши, шу тариқа бутун жамиятни ҳаракатлантирувчи кучга айланиши лозим. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Бугун фақат мана шундай илғор ёшларга, мана шундай жонкуяр зиёлиларга, Ватан равнақи йўлида бирлашган халққа эга бўлган давлатгина ўз миллий манфаатларини таъминлашга эриша олади”.**

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида, жумладан, ҳудудларга ташрифида ҳам халқимиз фаровонлиги ва миллат тараққиётига дахлдор муҳим масалаларда ана шу ўқ томиримизни маънавий пойдевор, яъни миллат ва давлат манфаатларини акс эттирган миллий ғоя ҳамда мафкура даражасига кўтармоқда. Хусусан, Президентимизнинг **“Фарзандларимизни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, уларни илм-фан, IT технологиялар, маънавият, санъат ва адабиёт, спорт билан ошно этиш учун ҳеч нарсани аямасдан, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз”**, деган таъкидида ҳам айнан шу эзгу ният мужассам.

Ҳамма гап ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, юқори интеллектуал салоҳиятга эга, профессионал шахсни тарбиялаш, бу жараёнда маънавий камолот билан иқтисодий фаровонликни уйғунлаштира олишда. Чунки инсон ҳаётга келар экан, шу икки омил учун ҳаракат қилади. Бир томондан ўз хулқи, тарбияси, маданияти ва маънавияти билан жамиятда обрў-эътибор ва ҳурмат қозонишни истаса, иккинчи томондан муносиб турмуш тарзига, тўкин ва фаровон ҳаётга эга бўлишни хоҳлайди. Яъни ҳар бир шахс ижтимоий дивиденд сифатида жамиятдаги маънавий нуфузини, иқтисодий дивиденд сифатида эса топган даромади ортидан фаровон ҳаёт кечиришни орзу қилади.

Бугун тинч-осойишта ҳаётимизга, ўзимиз танлаган тараққиёт йўлига тўсиқ бўлаётган иқтисодий, мафкуравий ва маънавий таҳдидлар кўлами глобал миқёсда кенгайиб бормоқда. Айниқса, сўнгги йилларда юзага келган нотинчликлар, ҳарбий можаролар, глобал тинчлик кафолати бўлган халқаро институтларнинг парчаланиб бориши, дунёнинг турли бурчагида содир бўлаётган қонли тўқнашувлар, иқтисодий санкциялар ва янги дунё тартиботи юзага келиши билан боғлиқ глобал уруш хавфининг ортиб бориши тобора хавфли ва жиддий тус олмоқда.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенати аъзоларига мурожаат қилар экан, айнан шу хавф-хатарларнинг нақадар жиддий эканини қуйидагича ифодалади:



Глобаллашув даврида замон, одамлар, маънавий, моддий, маиший шарт-шароитлар шитоб билан ўзгариб бормоқда. Шунга мос равишда турмуш тарзимиздаги маиший тартиб-қоидалар, маънавий қадриятлар, тушунчалар ҳам айрича талқин этилмоқда. Бундан ташқари, бугунги давр интернет ресурслари ва ижтимоий тармоқлар орқали миллий қадриятларимизга таҳдид солувчи ҳар хил бегона ва салбий “маданият”лар кириб келиши билан ҳам тавсифланади.

Глобаллашув даврида замон, одамлар, маънавий хатарлар мавжудлигини аниқлаш ва баҳо бериш, шу асосда тарғибот объекти, кўлами ва йўналишларини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бугун маънавиятимизга қарши қаратилган энг улкан иллат “оммавий маданият”дир.

“Оммавий маданият” ҳозирги глобаллашув жараёнида жамиятда тез томир отадиган кўр-кўрона тақлид қилишдан тортиб, барча инсоний фазилатлар — орият, ўзаро ишонч ва ҳурмат, каттанинг кичикка, кичикнинг каттага иззати, ота-бола, ака-ука, қўни-қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибат йўқолиб боришига қадар бўлган муносабатларда яққол кўзга ташланаётган қусурдир.

Бу каби иллатлар устидан миллий маданият устун келиши учун ҳур фикрли зиёлилар ҳамжиҳатлиги, таълим-тарбия кўрган, ор-номусли йигит-қизларимиз ва ҳамиятли ота-оналарнинг саъй-ҳаракати талаб этилади.

Ана шу тарзда жамият, халқ, миллат ўзлигини англай бошлар экан, бу жараёнга қаршилик қилаётган озчиликни танқид қилиш, лозим бўлса, уларга фарзанд тарбияси, оилавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида аниқ ва қатъий талаблар қўйиш, мазкур талаблар бажарилмаган ҳолда жамоатчиликнинг самарали таъсирини ўтказиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг нутқидан олинган иқтибос моҳияти, биринчи навбатда, ёшларимиз онгида ҳар икки ўқ томирни бир-бирига ҳамоҳанг, уйғун ҳолда шакллантириш талабидан келиб чиқади. Яъни фақат иқтисодий омилнинг бирламчи ўринга кўтариб, маънавий қадриятларнинг иккинчи даражага тушиб қолиши ҳам ёки аксинча, маънавий фазилатлар устуворлигида камбағаллик, қашшоқликнинг юзага келиши ҳам жамиятда ижтимоий ва иқтисодий мувозанатни бузади. Маънавиятни, ўзликни англаш жараёни иқтисодий фаровонликка эришиш учун хизмат қилса, ўз навбатида, юқори даромадга эга ва моддий жиҳатдан бой инсон бир вақтнинг ўзида юксак маънавиятга эга бўлса, мана шундай жамиятнинг келажаги, истиқболи ёруғ бўлади.

Албатта, бугун инсонлар кўз ўнгида иқтисодий ўсиш ва маиший эҳтиёжларнинг ортиб бориши жараёни жуда тез суръат билан содир бўлмоқда. Гўё бу тезликда дўппини бошдан олиб, инсонга хос ахлоқий фазилатлар, одамгарчилик ва меҳр-оқибат ҳақида ўйлашга вақт қолмаётгандек.

Барчамиз гувоҳмиз: давлатимиздаги кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар натижасида халқимизнинг фаровонлик даражаси кескин ошди. Шунга мувофиқ истеъмол ва эҳтиёж ҳам. Бугун бозорлар, супермаркетларда кийим-кечак, озиқ-овқат, саноат ва қурилиш моллари, борингки, инсон учун зарур (ҳатто керагидан ортиқ) барча маиший буюмларнинг минглаб туридан кўзингиз қамашади. Уларнинг сифати ва тури, шаклу шамойили муттасил янгиланиб, ўзгариб бормоқда. Айнан шу жараёнда айримлар фақат моддий бойлик тўплаш, “бировдан кам бўлмаслик”ка интилишдан бошқа мақсадни унутиб қўйиши мумкин. Шу сабабли глобал иқтисодий тараққиёт шароитида замондошларимиз моддий фаровонликка эришиш, маиший шарт-шароитларини яхшилаш йўлидаги мақсадини ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, мурувват ва саховат, олижаноблик, бирлик ва ҳамжиҳатлик билан уйғунлаштира олиши жуда-жуда муҳим. Яъни иқтисодий фаровонликка интилиш маънавий қашшоқликка сабаб бўлмаслиги керак.

Аслида, инсоний фазилатлар қадрсизланиши билан боғлиқ улкан хатар ҳам миллий урф-одатлар, анъаналаримизга, ўзбекона қадриятларимизга қарши турган маънавий таҳдиддир. Ахлоқ-одоб, миллий менталитет ва қадриятларимизга зид кийиниш, муомала маданиятидан тортиб, кўр-кўрона эргашиш, тақлид қилиш касаллиги, бойликка ўчлик, ахлоқсизлик, моддий бойликларини кўз-кўз қилиш, дабдаба ва ҳашамга интилиш, меҳнатдан қочиш, енгилтаклик, худбинлик, индивидуализмнинг кучайиб бориши, жамоа манфаатларини менсимаслик инсондаги зоҳирий белги-хусусиятларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлардан устун қўйилишига сабаб бўлади.

Буларнинг барчаси юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдидаги масъулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, халқпарвар, ватанпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билим ва юксак инсоний фазилатларга эга, иродаси бақувват, имони бутун, виждони пок шахсларни вояга етказишга жиддий хавф солади.

Демак, бу борада маънавий хавф-хатарлар кўлами, миқёси ва манбаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда **“фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя ва жаҳолатга қарши маърифат билан”** курашиш энг тўғри ва самарали йўл бўлиб қолаверади.

Шу нуқтаи назардан, асосий вазифамиз ўқувчи ва талабаларнинг маънавий-маърифий соҳадаги билими, иллатларга нисбатан мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб қолади.

Маънавият инсоний фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ҳаётдаги устуворлигига эришилган, жамиятнинг барча қатламлари уларга амал қилгандагина яшаб қолади. Шу маънода, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожига, халқ фаровонлигига эришиш, ўз навбатида, миллий маданиятимиз, маънавиятимизни асраб-авайлаш ва янада равнақ топишига муносиб ҳисса қўшиш, бугунги тинч-осойишта, озод ва обод юртда фаровон умр кечириш, ўзликни англаш ҳар биримизнинг бош мақсадимиз бўлиши лозим.

Нуқтаи назар

Саломатлик

ЭНДИ БЕМОРЛАР САРСОН БЎЛМАЙДИ



Жамшид Жанбуров бир неча кун аввал жуда оғир аҳволда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалига ётқизилди. Малакали шифокорлар беморнинг саломатлиги учун хавф туғдирган касалликни енгишга ёрдам берди. Натижада жарроҳлик амалиётидан ўтиш учун Жамшиднинг Тошкент шаҳрига боришига зарурат қолмади. Шунингдек, Ғабит Унабаевнинг оғир касалликдан оёққа туриб кетишида ҳам шифокорларнинг хизмати катта бўлди. Бемор бир ярим соатда операция хонасидан чиқарилди. Инжигул Бердахова ҳам малакали шифокорлар борлигидан мамнун.

— Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалида 19 йилдан буён ҳамшира бўлиб ишлайман. Оролбўйи аҳолисига энг замонавий марказ қуриб берилгани учун давлатимиздан миннатдормиз, — дейди Алфия Кенжемуратова. — Илгари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали эски бинода жойлашган эди. Салкам чорак аср аҳоли саломатлиги учун хизмат кўрсатган бино жуда эскириб, замонавий ускуналар давр талабига мос келмай қолганди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлови туфайли марказ қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда “нол”дан қурилган биринчи кўп тармоқли шифохона бўлди. Шифо истаб келган беморлар бугун юқори технологияли сифатли тиббий хизматлардан фойдалана бошлади.

— Йигирма йилдан буён тоза-озода, барча шароитларга эга биномиз бўлишини орзу қилардик. Ниҳоят истагимиз амалга ошадиган кунлар келди. Жорий йил августида Президентимиз филиалнинг янги биносини очиб берди. Тўрт қаватли иншоотда шошилинч қабул-диагностика, реанимация, жарроҳлик, нейрожарроҳлик, травматология, кардиология, гинекология, педиатрия, лаборатория ташхиси ва амалиёт бўлимлари жойлашган. Барча бўлимлар замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. 130 ўринли янги мажмуада беморлар ва шифокорлар учун барча шароитлар яратилган. Олдинлари бир хонада 4-5 киши ётган бўлса, бугун хоналаримиз икки кишига мўлжалланган, алоҳида санитар хоналар мавжуд, — дейди филиал бош шифокори Ерназар Халмурзаев. — Бемор ҳаётини сақлаб қолишда вақт асосий ўринда туради. Шу боис, марказимизда беморларни касаллик даражаси бўйича саралайдиган триаж тизими ташкил этилган. Яъни мурожаат қилган инсон вақтини йўқотиб, сарсон-саргардон бўлиб, шифокорлар қабулида юрмайди. Бу ерга шифокорнинг ўзи тушиб, беморни қайси ихтисослик доирасида даволаш зарурлиги бўйича хулоса қилади ва керакли бўлимга йўналтиради. Триаж тизими биз учун янги тузилма. Беморлар ушбу тизим бўйича тақсимланади.

Масалан, қизил чизиқ оғир аҳволда келган беморлар учун мўлжалланган. Ушбу чизиқ орқали реанимация бўлимига етказилади. У, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам маъносини ҳам билдиради. Сариқ чизиқлар ўртача аҳволдаги, яъни шошилинч тиббий ёрдам керак, аммо ҳозирги аҳволи ҳаёти учун хавфли бўлмаган беморларга мўлжалланган. Яшил ранг ва йўлакчалар шошилинч бўлмаган тиббий ёрдамни англатади. Демак, бемор ўз оёғи билан келиб, мурожаат қилиши мумкин. Илгари беморлар шифокор кўригидан ўтиш учун қабулда навбат кутиб турарди. Энди шифохонада буткул бошқача, тез ёрдам шифокорлари беморнинг олдига ўзи келадиган бўлди. Бу “Инсон қадри учун” тамойилининг ҳаётбахш ифодасидир.

Янги мажмуада электрон навбат жорий қилинган. Беморнинг маълумотлари тизимга киритилиб, бошқа бўлимларга етказилади. Ушбу тизим беморлар учун жуда катта қулайлик яратди. Олдин мурожаат қилган беморларнинг аксарияти шифохонага ётқизилган. Энди муайян тиббий муолажадан кейин беморнинг ҳолатига қараб, яшаш жойида амбулатор даволанишга рухсат берилади. Шунингдек, илгари юрак-қон томир касалликлари билан мурожаат қилганларга оддий текшириш усулида ёрдам кўрсатилган. Энди эса замонавий ангиография ускунаси инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда самара бермоқда. Бунинг натижасида ўлим ва ногиронликка тушиш ҳолатлари кескин камайган.

— Бугунга қадар Тошкент шаҳрида ўтказиб келинган айрим мураккаб жарроҳлик амалиёти энди шу ернинг ўзида ўтказилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистонда илк маротаба сунъий қон айланиш аппарати орқали бемор юрагида очиқ жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Шунингдек, мультиспирал компьютер томографияси, ультратовуш, лаборатория ускуналари касалликларга эрта ташхис қўйиш имконини бермоқда. Телемедицина орқали узоқдаги беморларни даволашга ҳам ҳисса қўшилмоқда. Қорақалпоғистон ҳудудидаги туманларда жарроҳлик операциясини ўтказишда телемедицинадан фойдаланиб келмоқдамиз. Нейрохирургия, травматологик, хирургия операцияларига ёрдам бера оламиз, — дейди Ерназар Халмурзаев. — Реанимация бўлими олдингиси иморатдагига таққослаганда бутунлай яхшиланган. Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда беморни 2 соатдан 3-4 соатгача назорат қилиш имконияти бор. У доим ҳамшира назоратида бўлади. Олдин бунақа шароит йўқ эди. Президентимиз ушбу триаж тизимини бутун Ўзбекистон бўйлаб жорий этиш кераклигини таъкидлади. Кўриб турганингиздек, марказимиз жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради. Германия ва Япониядан келган шифокорлар Қорақалпоғистонда бундай марказ борлигини кўриб, ҳайрон қолди. Албатта, бу тиббиётимиз юқори босқичга кўтарилаётганидан дарак беради.

Марказдаги ангиография бўлимида интервенцион-кардиолог шифокор Бексултан Мамбеткаримов кардиожарроҳлик амалиётини ўтказяпти. Бугунгача 50 дан ортиқ операцияни мустақил амалга оширди.



— Илгари беморларга ёрдам беришда қийналардик. Фақат дори-дармон бериш билан чекланардик. Биласиз, беморни фақат дори билан даволаб бўлмайди. Марказимизда ангиография ускунаси ўрнатилгандан буён томирларда тромб бор-йўқлигини кўриш имкониятига эга бўлдик. Стенд очиб, томирларни қайта тиклаб, юракни қутқариб қолиш ишларини бемалол бажара оламиз, — дейди Бексултан Мамбеткаримов. — Шунингдек, нурдан ҳимоя қиладиган оғирлиги 20 килограммлик махсус либосларимиз ҳам бор. Бир кунда 3-4 та жарроҳлик амалиёти ўтказишимиз ва бунинг учун операция хонасига киришимизга тўғри келади. Бизни нурдан ушбу кийимлар ҳимоя қилади. Беморларнинг соғлиғи ҳам давлатимизнинг жиддий назоратида.

Марказнинг диққатга сазовор яна бир жиҳати реанимация ва кардиологик амалиётларни ўрганиш учун лаборатория ташкил этилганидир. Унда ускуналар ёрдамида ўқув-амалий тажрибалар ўтказилади. Энг асосийси, Ўзбекистонда саноқли бўлган лапароскопия ускунаси Президентимиз совғаси сифатида марказга топширилган. Ушбу ускуна юқори технологик операцияларни мониторинг ёрдамида амалга оширишда ёрдам беради.

— Тажриба алмашиш мақсадида ёш шифокорларимиз Ҳиндистон, Россия ва Туркияга ўқишга бориб келмоқда. Олдинлари чет давлатларга бориб ўқиш масаласи жуда қийин эди. Ҳозир шифокорлар учун ҳам имконият бор, — дейди Ерназар Халмурзаев. — Бир оз вақт ўтиши билан хориждан мутахассис-шифокорларни жалб этишга эҳтиёж қолмайди. Ўзимизнинг шифокорлар билан халқнинг дардига даво, касалига шифо топамиз. Аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишга доим тайёрмиз.

Саломатлик наинки инсоннинг ўзи, балки жамият учун ҳам жуда катта ва бебаҳо бойлик. Ҳар томонлама соғлом инсонлардан иборат жамият эса тараққиёт сари дадил одимлайди. Шу боис, мамлакатимизда инсонни қадрлашга давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида қаралади. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, тизимни замон талаблари, дунё тиббиёти андозалари даражасида ривожлантириш асосий мақсад қилиб олинган.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Мумтоз мусиқа санъатининг гултожи бўлган бетакрор мақомларимиз ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz.uz_news yuz

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Кўнгилдаги битиклар

КОМИЛ ТАРБИЯДА

мусиқанинг ўрни



Янги Ўзбекистондаги туб ислоҳотлар “Инсон қадри учун” деган тамойилга қаратилгани билан аҳамиятли. Айнан шу жиҳат халқимиз қалбида эртанги кунга ишончни мустаҳкамлади. Очиғи, XXI аср одамини ишонтириш осон эмас. Чунки глобал дунёда, демократик жамиятларда барча ҳодисалар кафтдагидек аниқ кўриниб туради. Демак, бошланган ислоҳотлар ҳаётий ҳақиқат экани боис, халқимиз ишончи ортиб боряпти.

маънавий юксалишга қаратилаётган эътибор замиридаги ҳаётий ҳақиқатлар



Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, Ўзбекистон халқ артисти

Албатта, бундай кенг кўламдаги ўзгаришлар замирида давлатимизнинг одилона сиёсати ётибди. Ҳаётий кузатувларим асосида айтишим мумкин: учта давр, яъни собиқ шўролар тузуми, мустақилликнинг дастлабки йиллари ва янги Ўзбекистонда бошланган ўзгаришларга шоҳид бўлдим. Бу учала даврдаги шарт-шароит, имкониятларни кўрган-кечирганларим асосида қиёслаб, таҳлил этиш имконим бор. Ҳеч шубҳасиз, мустақил бўлгач, ўтиш даврининг машаққатли йилларини бошдан кечирдик. Муайян натижаларга эришдик ҳам. Аммо баралла айтаман: янги Ўзбекистонда инсон қадрига эътибор шонли тарихимиздаги энг ёрқин саҳифалардан бўлмоқда.

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, бу орқали Учинчи Ренессансга пойдевор қўйишдек тарихий кунларни бошдан кечиряпмиз. Бундай улкан мақсадга эришиш учун мамлакат тараққиётини иқтисодий, молиявий, ижтимоий ва албатта, маънавий юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳатто давлатимиз раҳбари иқтисодиёт ва маънавият мамлакатнинг икки устуни эканини эътироф этди.

Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрдаги кенгайтирилган йиғилишида **“Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”**, деган эди.

Ён-атрофимизда юзага келган таҳликали вазият, жиддий зиддиятлар, ахлоқсизлик, зўравонликлар вазмин хулоса чиқаришга ундайди. Бу борада узоқ йиллик тажрибамга таянган ҳолда айтаманки, маънавиятни тараққий эттиришда миллий мусиқа санъатидан янада кенг фойдаланиш лозим.

Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиётини таъминлашда миллий мусиқа санъатидан фойдаланиш ижтимоий зарурат бўлиб, бунда санъаткор-педагоглар зиммасида катта масъулият бор.

Ўзбек халқи юксак маънавият, маданиятга эга. Унда халқимизнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодасини топган. Жаҳоншумул кашфиётлар қила олган юзлаб алломаларни етиштиришга хизмат қилган. Ўз ўрнида аждодларимиз умумбашарий аҳамиятли маърифат шаклланишига муносиб ҳисса қўшган. Шунинг учун ўзбек миллий-маънавий мероси жаҳон маданиятининг ажралмас қисми, узвий бўлагидир.

Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг асарларида ифодаланган маънавий-ахлоқий қарашлар инсонлар руҳияти ва маънавиятида, ёшлар қалбида эзгулик ва ифтихор туйғуси шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мусиқа санъатининг ўрни катта. Айниқса, эстетик аҳамияти алоҳида. У тингловчининг мусиқий қобилияти, хотираси, диди ва муҳими, дунёқарашини ўстиради. Шу аснода ёшларда ватанпарварлик, ватанни севиш ва ардоқлаш туйғуси ривожланади.

Бу борада Абу Наср Форобийнинг “Мусиқа ҳақида катта китоб” ва бошқа асарлари, Абу Али ибн Синонинг “Китоб аш-шифо”, “Китоб ан-нажот”, “Донишнома” каби асарларининг мусиқа ҳақидаги бўлимлари, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқа” китоби, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мусиқа ҳақидаги қарашлари муҳим манбадир.

Абу Наср Форобий таърифича, “Ижодкорлик шундай улуғ фазилатки, инсон уни эгаллаши учун бошқа ҳамма фазилатларини ишга солиши керак”. Дарҳақиқат, ижод қилиш жараёнида инсон изланади, кузатади, тадқиқотлар олиб боради, натижаларни таҳлил қилиб, мантиқий хулосалар чиқаради. Хулосанинг тўғри ёки нотўғри экани тажрибада синаб борилади.

2018 йилдан буён мамлакатимизда Халқаро мақом санъати анжумани ўтказиб келинмоқда. Бу юртимизда мусиқанинг эстетик таъсири



ва шахс тарбиясидаги маънавий аҳамиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, миллий ўзлигимизни англаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало, ёш авлодимизни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришда беқиёс ўрин тутмоқда.

Мазкур анжуман жорий йилда Зомин шаҳрида ўтказилди. Унда Президентимиз иштирок этиб, бундай деган эди: **“Бизнинг қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, азалий қадриятларимизнинг рамзи бўлган мақом санъати теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадиий услуби ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Мақом — умумбашарий туйғуларни авж пардаларда тараннум этадиган нодир санъат тури сифатида ҳам биз учун ғоят қадрлидир”.**



> **Давлатимиз раҳбари мақом санъатини асраб-авайлашда атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг катта ҳиссаси борлигини таъкидлади. Ўша оғир даврларда Тошкент давлат консерваториясида мақом санъатини илмий ўрганиш ва халқаро миқёсда тарғиб этишга асос солинган. Мақом ансамбли ташкил этилган. “Шашмақом” дурдоналари нотага олиниб, 6 жилддан иборат мукаммал китоб нашр қилинган.**

Мақом санъати Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида жадал ривожланиб, юксак чўққига кўтарилган. Абу Наср Форобий “Катта мусиқа китоби”да куйларнинг назарий ва амалий мезонларини уд сози орқали мукаммал тартибга келтирган бўлса, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломаларимиз ноёб мусиқий асарлар яратиб, мақом ривожига беқиёс ҳисса қўшган. XX асрда бу анъаналарни Абдурауф Фитрат, Юнус Ражабий каби санъатшунос олимлар, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Турғун Алиматов, Фаттоҳхон Мамадалиев ва бошқа ҳофизлар муносиб давом эттирган.



Давлатимиз раҳбари мақом санъатини асраб-авайлашда атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг катта ҳиссаси борлигини таъкидлади. Ўша оғир даврларда Тошкент давлат консерваториясида мақом санъатини илмий ўрганиш ва халқаро миқёсда тарғиб этишга асос солинган. Мақом ансамбли ташкил этилган. “Шашмақом” дурдоналари нотага олиниб, 6 жилддан иборат мукаммал китоб нашр қилинган.

Мумтоз мусиқа санъатининг гултожи бўлган бетакрор мақомларимиз ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. Энди дунё санъатсеварлари томонидан ҳам куйланмоқда. Бу ҳолат кишини фахрлантиради.

Миллий мусиқа санъатимизни асраш, тарғиб қилиш, оммалаштириш борасида барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳатто бундай вазифалар давлат дастурида алоҳида белгилаб олинган. Энди ушбу вазифаларни амалга ошириш, миллий мусиқамизни ёшлар онгига сингдириш биз, санъаткор-педагогларнинг бурчидир.

Албатта, бу борада устоз-шогирд анъаналари биринчи ўринда туради. Устозлардан мерос бўлиб келаётган миллий мусиқамизни аслидай ва тўлақонли етказиш, унинг асл моҳиятини тўғри талқин қилишимиз лозим.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ўйғоқ фикр

ЁРУҒ КЕЛАЖАК

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР АТРОФИДА БИРЛАШИШДАН БОШЛАНАДИ

Вақт югурик. Замон тезкор. Шундай экан, кўп гапирмай, ўйланиб ўтирмай, ҳамиша ҳаракатда бўлиш зарур. Президентимизнинг шу йил 20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисидаги маърузасини тинглар эканмиз, ана шу шошқин лаҳзаларнинг шиддатини қалбимизда, тафаккуримизда ҳис қилдик.

“Мана, ўзингиз кўряпсиз, аҳолимиз 37 миллиондан ошди. Келгуси 5 йилда эса, Худо хоҳласа, 40 миллиондан ортиши кутилмоқда. Бундай демографик ўсиш, албатта, катта имконият, лекин, шу билан бирга, бу ҳолат олдимизга янги-янги, ўткир вазифаларни қўйиши ҳам шубҳасиз.

Айниқса, камбағалликни қисқартириш, экология, энергетика, транспорт, йўл, ичимлик сув таъминоти, аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби муҳим соҳаларда халқимизнинг талаб ва эҳтиёжлари тобора ўсиб бормоқда”, деди давлатимиз раҳбари. Бу сўзларни юрагида ватанига муҳаббати, атрофидаги инсонларга оқибати кучли бўлган инсон шунчаки тинглаб ўтиролмайди. Фаолияти, турмуш тарзи ва ҳатто ўй-хаёлларини ҳам тафтиш қилишга киришади.

— Давлатимиз раҳбарининг сўзларини тинглаб, кўнглимдан нималар кечмади, дейсиз... Кечагина ҳамма нарсага бефарқ қарайдиган, дангаса ва хаёлпараст аёлдан тадбиркор, ҳаётсевар онага айландим, — дейди жиззахлик тадбиркор Моҳичеҳра Эшматова. — Бу жараёнда қўшниларим, маҳалла-кўй менга ёрдам берди. Айниқса, қўшним — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор Шарофат Нориеванинг хизмати ва кўмаги катта бўлди. Дастлаб кўчада тўхтатиб, “Бундай юраверманг, қўшнижон, келинг, сафимизга қўшилинг. Яхши ният дадил қадамларга эш бўлади”, дея маслаҳат берса, ёқтирмаганман. Шарофат опанинг бепул ўқув марказида ўқигач, ҳамма гап қалбимда, дунёқарашимда эканини англай бошладим. Дастлаб икки метр жойга атиргул экиб, ишни гулчилик билан бошлаган оддий аёл эдим. Бугун хонадонида иссиқхонаси бор, келгусида даромадини 3 баробар ошириб, тикувчилик цехи очишни режа қилаётган замонавий ва мулоҳазали тадбиркорлар сафидаман.

Моҳичеҳра опанинг маҳалладаги ҳамжиҳатлик борасидаги сўзларини эшитиб, болалигим эсимга тушди. Энам раҳматли ғоят тадбирли, зукко ва меҳнаткаш аёл эди. Маҳалланинг тўрт аёли бир жойда йиғилиб, шунчаки сўзлашиб турганини кўрса, дарҳол улар ёнига бориб “Жон келинжонлар, бекордан Худо безор, шу гапингизни қўлингизга кашта олиб ёки бирор кўйлакнинг ямоғини ямаб гаплашсангиз ҳам бўлади-ку! Қани тез-тез уйингизга киринглар, рўзғорингизга қаранглар. Ёки осмондан чалпак ёғишини кутяпсизларми?” дея дашном берарди. Гарчи бу танбеҳ ўша лаҳзада уларга ёқмаса-да, кейинчалик вақтнинг қадрига етгани боисми, энамни “Тошхон аямиз”, деб ҳурмат билан эслашарди. Қолаверса, қўшни келинлар бирор иш қилмоқчи бўлса, аввало, энамнинг маслаҳати ва ёрдами керак бўлар эди-да...



— Маҳалламизда ишсиз хотин-қизлар анча эди, — дейди Фарғона вилояти Учкўприк тумани Катта Қўштепа қишлоғида яшовчи Эъзозхон Холиқова. — Уларни жамловчи, ўзаро ҳамжиҳат қилувчи бирор иш бошлаш орзусида эдим. Бир куни турмуш ўртоғимга режаларим ҳақида гапириб бердим. Аввалига у гапларимни шунчаки тинглади. Кейин ўзи ҳам бунга қизиқа бошлади. Дастлаб 2 та тикув машинаси билан иш бошлаганмиз. Айни пайтда 30 та тикув машинаси ва 50 ишчимиз бор. Қўшниларим қўлига маош олиб, яхши кайфиятда рўзғорига бозорлик қилганини кўрсам, жуда хурсанд бўламан. Аёл киши ҳам қўлидан келганча оила фаровонлиги учун меҳнат қилиши, изланиши зарур. Давр шуни талаб қиляпти. Камбағалман, деган аёлни кўрсам ёки эшитсам, жим ўтиролмайман. Келгусида кўрпа қавиш, қуроқчилик ва каштачилик бўйича ҳам иш бошлаш ниятидамиз. Бу ҳаракатларимиз фарзандларимизни ўқимишли ва ҳунарли қилиб тарбиялашда жуда асқатади.

Давлатимиз раҳбари замондошларимиз қалбига қувват бўладиган, шижоат бахш этадиган янги ғоя ва ташаббусларни илгари сурди. Қолаверса, 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти энг тез ўсаётган 3 давлат қаторидан жой олгани, камбағаллик даражаси сўнгги 4 йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушгани, бу йил эса яна 106 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, 9 фоизга етиши кутилаётгани борасидаги маълумотлар бу тарихий воқеаларни кузатаётган кўплаб замондошларимиз қалбини равшан қилди.

Шукр, қуёши сахий, тупроғи серҳосил масканда яшаймиз. Ота-боболаримизнинг деҳқончилик, зироатчилик, боғдорчилик ва гулчилик бобида бизга қолдирган мероси анча. Момоларимиз уйда ўтириб ҳам боғ-роғларни яшнатиб, гулзорлар барпо этиб, рўзғорни обод қиладиган бир неча ҳунарни ўзлаштирган.

Аввало, қалбимизда иштиёқ пайдо бўлса, бас. Яхши ниятлар ўз-ўзидан дадил қадамларга, ташаббусларга йўл очиб бораверади. Бутун дунёда ўзгариш ва янгиланишлар кечаётган айни паллада хотин-қизлар ҳам бор имкони, салоҳияти ва заковатини ишга солиши айни муддао. Гўзал ва фаровон кунларни кутмай, улар сари ўзимиз йўл очайлик. Давлатимиз раҳбари жон куйдириб таъкидлаётган ҳақиқатларни англаб, юксак мақсадлар атрофида бирлашсак, келажагимиз, албатта, ёруғ бўлади. Келгуси авлодларга ҳам намунали ҳаёт сабоқларини тақдим эта оламиз. Зеро, кайвони ва тадбирли эналаримиз таъкидлаганидек, ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч қачон осмондан чалпак ёғмайди.

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 4366
39932 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:10 Топширилди — 23:20

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05